Тошкент давлат аграр университетида 2022 йил 20-21 май кунлари **«Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, таҳлил, аудиторлик фаолияти ва молия-кредит механизмини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш»** мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 мартдаги 101-F-сонли фармойишига асосан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режаси"га асосан Тошкент давлат аграр университетида 2022 йил 20-21 май кунлари **«Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, таҳлил, аудиторлик фаолияти ва молия-кредит механизмини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш»** мавзусида ўтказиладиган Республика илмий-амалий анжуманда иштирок этишга таклиф этамиз.

**Анжуман тили:**

ўзбек, рус, инглиз тиллари.

## АНЖУМАН ШУЪБАЛАРИ:

**1-шуъба.** Аграр корхоналар молия-кредит механизмини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш

**2-шуъба.** Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

**3-шуъба.** Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида иқтисодий таҳлил ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш

**4-шуъба.** Аграр соҳада рақамли иқтисодиётни шакллантириш: ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари

## АНЖУМАН
## МАТЕРИАЛЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Материаллар 3-5 бет ҳажмда, 1 интервалда, А4 форматли қоғозда, чап томонидан 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқори ва пастдан 2 см жой қолдирилиб, компьютернинг Microsoft Word муҳаррирининг Times New Roman 14 ўлчамли шрифтида тайёрланиши ва ҳамма бетлар тўлиқ бўлиши **шарт.** Маъруза материалларининг юқори қисмида мавзу бош ҳарфларда ёзилади, бир интервалдан кейин ўнг томондан муаллиф(лар)нинг фамилияси-исми-шарифи (исми-шарифи қисқартирилган ҳолда), илмий даражаси ва унвони ҳамда лавозими кўрсатилади. Бир интервал ташлаб аннотация ва калит сўзлар (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилади. Бир интервалдан кейин мақоланинг асосий матни берилади. Матн ичида келтирилган иқтибосликлар намунада келтирилганидек расмийлаштирилади. Сўнгра фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

**Бошқа талаблар:**

Материаллар фақат электрон вариантда ((+99890) 941-32-59 рақамили телеграмига) белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда **2022 йил 15 майгача** ташкилий қўмитага тақдим этилади. Мақолада келтирилган рақамлар ва фактлар учун муаллифлар шахсан жавобгардир. Электрон вариантдаги файлнинг номи 1-муаллифнинг шуъба рақами ҳамда исми-шарифи бош ҳарфи ва фамилиясидан иборат бўлиши керак. Матн оригиналлиги – 65%.

Масалан: ***2-шуъба. М.Абдуллаев.rtf.*** Файл **RTF** форматида сақланиши **шарт.**

Анжуман материаллари бўйича тўплам нашр қилинади. Муаллифлар тўпламнинг электрон нусхасини анжуман ўтгандан бир ойдан сўнг **www.agriculture.uz** электрон манзилидан олишлари мумкин.

Муаллифлик бадали мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун **15000 (ўн беш минг) сўм** миқдорда белгиланган.

**Тўлов учун:**

**Пластик рақам:** 8600 0203 5889 9495 (Тўлов скрин шот қилиниб юқоридаги телеграм каналига юборилади).

Анжуманда барча хоҳловчилар қатнашишлари мумкин.

**Қўшимча маълумотлар учун манзил**: 100140 Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2, ТДАУ Агрологистика ва бизнес факультети биноси, 6-қават, 612-хона, Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

**Қўшимча маълумотлар учун: *Ойбек Файзиев*** (+99890) 941-32-59 рақамига мурожаат этиш мумкин.

***МАТННИ РАСМИЙЛАШТИРИШ НАМУНАСИ:***

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИИЙ КЎЛЛАРИДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Р.Д.Дусмуратов,** ТДАУ, и.ф.д., профессор.
**А.К.Айтимбетов,** ТДАУ ассистенти

**Аннотация.** Мақола Қорақалпоғистон Республикасида кўл балиқчилигини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Жумладан, минтақада табиий кўллардан фойдаланиш, уни яхшилаш имкониятлари, балиқлантириш ва балиқ овлашнинг ҳозириги ҳолати таҳлил қилинган. Балиқчилик тармоғини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар очиб берилган ва туркумланган.

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам развитие озерного рыбоводства в Республике Каракалпакстан. В частности, проанализированы использование естественных озер и возможности его улучшения, современное состояние зарыбление и улова рыбы. Раскрыты и сгруппированы факторы, влияющие на развитие рыбоводческой отрасли.

**Abstract.** The article is devoted to the development of lake fish farming in the Republic of Karakalpakstan. In particular, the use of natural lakes and the possibility of its improvement, the current state of stocking and catch of fish are analyzed. Disclosed and grouped factors affecting the development of the fish industry.

**Калит сўзлар:** балиқчилик, балиқчилик тармоғи, минтақа, Қорақалпоғистон Республикаси, ташкилий-иқтисодий омиллар, ижтимоий-иқтисодий омиллар, аквакультура.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари, хусусан балиқчилик тармоғини модернизациялаш маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқаришга қўйиладиган талабларни оширишни тақозо этмоқда. Сўнгги йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти [1,2,3] ва Ҳукуматининг [4,5] бир қанча қарорлари қабул қилинди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2939 -сонли Қарори, «Халқ сўзи», 2017 й., 87 (6781).
2.

**Эслатма:** Мақола анжуманнинг қайси йўналишига мўлжалланганлигини аниқ кўрсатилиши лозим. Тегишли талабларга жавоб бермайдиган, илмий-амалий тавсияга эга бўлмаган ва кечикиб топширилган ишлар анжуман материалларига киритилмайди.